

«Уй-жой қурилишини жадаллаштириш юза- сдан қабул қилинган қарорларни совет ки- шилари маъқулладилар. Иш ҳамма жойда яхшилик сари ўзгара бошлади, аммо янги му- аммолар ҳам келиб чиқмоқда. Қурилиш та- шкилотларининг ва бинокорлик материаллари саноатининг базисини ривожлантириш дара- жаси охири бораётган эҳтиёжларга муво- фиқ келмаяпти».

(КПСС XIX Бутуниттифоқ конфе- ренцияси материалларидан).

Янгилик шарофати

Юнусобод массивининг 2-кварталидаги янги тиклан- ган 30-уйга кўчиб ўтиш учун 126 оилага ордер ёзиб бе- рилди. Ҳадемай улар бу ерда уй-жойларини ўтказишди. Мазкур турар жой биносини 3-уйсозлик комбинати- га рашиди 2-қурилиш бошқармасининг Дени ва Меҳнат Қи- яид байроқ ордени кавалери Ф. Демидов етакчилиги қиладиган қурувчилар коллективи бунёд этди. Бу брига- да қўлидан чиқарган кўп қаватли турар жойларда ҳозир- ги кунда кўп-қўл ҳамшаҳарларимиз шод ва хуррам ҳаёт кечирмоқда. Қад кўтарайотган иморатлар эса кўркам ва замонавийдир. Хоналари кенг, барча қўлайликларга эга бўлган шинам квартиралар киши кўнглини шод этади. Ҳозир унда сайқал бериш ишлари олиб борилапти.

Бош пудратчи коллективдан меҳнат эстафетасини Х. Зайнагутинаво бошлиқ энг яхши коллектив сувоқчи ва бўёқчилар бригадаси қабул қилиб олди.

Х. Зайнагутинаво уйсозлик комбинатида 10 йилдан бери ишлади. Ана шу вақт ичиде у ўз касбини мукам- мал ўзлаштирибгина қолмай, ўнлаб шогирдларин ҳам тар- биладди.


Бригада малакали сувоқчи ва бўёқчилардан иборат. Бу илгор коллектив билан А. Иваново бошлиқ комплекс су- воқчи ва бўёқчилар бригадаси меҳнатда ўзаро мусобақа- лашиб иш қўрайпти. Бугунги кунга қадар иш сифати бўйича пардозловчилар ҳатто меҳнат бешлашувда олдинда боришапти. Бошқарма бригадалари ўртасидаги соци- алистик мусобақанинг ярим йиллик якуни, яъни Бутунитти- фоқ XIX партия конференцияси шарофига ўтказилган ўза- ро меҳнат бешлашувда Федор Демидов бошлиқ бригада совринли ўринини эгаллади.

— Биласизми, Федор Андреевичи моҳир ташкилотчи, мураббий, ташаббускор иxtирочи деса ҳам бўлади, — дейди прораб В. Дементьев. — У биринчи навбатда квартиралар сонини кенгайтиришга эътибор берди. Илгарилар квартира олдиға ўрнатилганидан айвончалар учун махсус қолнида турта панель қўйиларди. Бу ҳам вақтин, ҳам маҳсулотни кўп талаб этади. Энди унинг таклифи билан айвон атрофини ўрочи панеллар бир йўла қўйи- ладиган. Натияжада монтаж қилинаётган ҳар бир 9 қаватли 126 квартиралар бинодан 114 донга панель иxtисод қилиб қолмоқда. Турар жой майдони эса 13,5 квадрат метрга кенгайди.

Шунингдек, янгилик шарофати билан ҳар бир бино қу- рилишида 72 та колонка, 4 кубометр бетон ёнга қо- лаяпти. Бошқарма рационализаторлари ҳамкорлигида ишчи кўчларидан тежаб-тежаб фойдаланишга ҳам алоҳида эъ- тибор берилапти. Илгарилар Федор Демидов бригадаси- да бир қаватли сарф турар жой биносини қуриш учун 0,57 ишчи кунни меҳнат қилинган бўлса, ҳозир эса 0,35 ишчи кунига камайди. Натияжада қурилиш танархиси арзонлаш- ди.

Ҳа, монтаж бошқармасида бундай янгиликлар кўп. Уларнинг барчаси бинокорлар фикри билан амалга оши- рилапти. Тўшайётган қатор иxtирочилар таклифлари кор- хонга минглаб сўмлик фойда келтирмоқда.

Д. ОБЛАЕВ.



Янги ишга туширилган уларнинг канал чилик қилётган комплекс бригада қурувчи- лари алоҳида гайрат кўрсатишапти. Суратда: бригаданинг илгор қурувчиси Обид Хасанов. Т. Каримов фотоси.

Сусткашликка Бинокорлар барҳам берилди тухфаси

Яқин уч йил ичиде Улугбек повиселасида бешта турар жой биносини ишга туширилиши керак. Шуларнинг иккитасида аллақачон қурилиш-монтаж ишлари олиб борилапти. Бу муҳим тошқирини «ўзрем- строй» трестига қарашли 11 механизациялашган кўчма ко- лонна қурувчилари бажар- моқдалар. 48 квартиралар 6-уй шу йилнинг охирида, 80 квар- тирани 1-уй келаси йили ўз эгаларини бағрига олади. Аммо ўтган ойда бу зарбдор объектларда иш қуришлари, бунга қурилиш материаллари таъминотидаги мушкилликлар панд бериб қўйди. Янги уй- лар лойиҳасига мувофиқ фа- қат ҳар бир қаватда 250 минг донга гишт ишлатилади. Бутун билик бино учун эса бир миллионга гишт керак. Шар- номга мувофиқ Чирчиқдаги гишт заводи қурувчилари ана шу зарур маҳсулот билан таъминлаши белгиланган- ди. Агар улар ўз вақтида берган аввалларнинг удасидан чиқа олсалар ҳар кун 10 минг донга гишт ишлатилиб, уй пой- девори тикланади. Ана шунданга мазкур бино бел- гиланган муддатда эгаларига топширилади. Қурилиш мате- риаллари таъминотида узил- лишлар бўлиб тураётганлиги сабабли бинокорларнинг таш- вишларига ташвиш қўйилди. Можаро шу даражада кескин тус олдики, унга бевосита республика қурилиш министр- лигидан аришди. Таъми- ногдаги сусткашликлар ўрга- ниб чиқилиб, анализ қилинди. Ордан хеч қачон вақт ўтмай, Чирчиқ ва Келес гишт завод- ларидан маҳсулотлар керак- лигига ажратилганидан бўлди. Бир ойдири янги уй қури- лиш маромиде олиб борила-пти. Материаллар таъминоти- да сусткашлик бўлмаётган- лиги сабабли график изга тўшиб қолди. А. Абдукаримов, С. Раҳимов, Г. Тем, В. Краскин сингари юқори раз- раддаги гишт терувичиларинг гайрат-шижоати тўғрисида план- тошқирлар ортиси билан бажарилапти

М. БАҚОВ.

Фрунзе районининг Ивано- во тўқимачилари массивининг қиёфаси кейинги йилларда кескин ўзгариб кетди. 1, 3-уйсозлик комбинатлари бинокорларнинг куч-гайрат- лари тўғрисида ҳозир шу кўча замонавий, обод анжирорайон- га айланди. Уйсозлар ўз касб байрам- ларини зарбдор меҳнат билан кутиб олдилар. 2-монтаж бошқармасининг азаматлари бу ерда 108 квартиралар 9 қаватли янги бинони фойдала- нишга тахт қилиб қўйишди. Яна иккита уй жадаллик бил- лан бунёд этилапти. Ана шу уйлар битганидан сўнг 216 оила ўзининг турар жой ша- ларини яхшилади. Бошқарма коллектив маърузи объектда жами 800 минг сўмлик қури- лиш-монтаж ишларини амал- га оширилди. Ҳозир ҳам кол- лективда ўн иккинчи беш йил- ланинг ўнчиги йиллик яхши натижалар билан ақуллаш мақсадида социалистик мусо- бақа тобора авж олдирилмоқ- да. А. САЪДУЛЛАЕВ.

Уй-жой қурилиши «Оқшом» назоратида

Уйсозлари ўтган ойда рекорд натижа- га эришдилар. Янги уй икки ойдаёқ пардозловчиларга топширилди. Шу билан Чилонзорнинг Проект кўчасида тикланаётган замонавий эксперимен- тал уй тўрттага етади. Ҳозир бешин- чи бинодо қурилиш-монтаж ишлари олиб борилапти. Ишнинг уч сме- нада ташкил этилаётган эришма- ётган муваффақиятининг бош омил- ги бўлапти. Уч сманалилик ҳа- ракати ўзининг кони фойда экан- лигини кўрсатмоқда. Қурувчилар кунини тунга, тунини тонга улаб ҳамшаҳарларимизнинг янги уй- жойларга бўлган эҳтиёжларини қон- диршдек хайрли ишга баракалик улуш қўйишляпти. Бироқ ишнинг ривожига тўсқин бў- лётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Айниқса, қурилиш материаллари таъ- минотдаги ноумумтобликдан би- ноқорлар қаттиқ ташвиш чекляпти. Комбинатга қарашли таъминотчи за- воднинг лойиҳа қувватига чиқиб ол- манглиги уларга қаттиқ панид бериб қўяпти. Бу ҳол кўпроқ иш айтиш қизган пайтда материалларнинг танқис бўлиб қолганига сезил- моқда. Заводнинг ишлаб чиқариш қуввати қурилиш объектидаги иш жараёналарга мувофиқ келмаяпти. Қурувчилар билан қилинган сўхбат чоғида улар заводда ҳам қайта қу- рилиш тезроқ амалга ошириш вақ- ти етганини алоҳида таъкидлаш- ди. Бу ҳақ пан. Қайта дурш — умумхақ иш. Бу қурувчилар ҳеч қачон қолмаслигини керак. Жун- ладан таъминотчилар ҳам. Улар ўз талабига қанчалик тез бўлгани кун талабига мувофиқ қайта қурсалар, уйсозларнинг ҳамшаҳарларимизга улшадириган чинакам қувончлари шун- чалик кўпайди. Р. АҲМАДЛИЕВ.

Таъминотда бурилиш бўладими?

ларин тез ва сифатли ишга тушириш- га даъват этилгандик. Комбинатимиз- нинг ташкил этилганга уч йил ўла- ёди. Бу қисқа вақтда катта амалий натижаларга эришди. Бой таъри- хага ўтилади. Хўжалик юртишнинг дастлабки сабақларини олдиқ. Ҳа, бу комбинатнинг ташкил эти- лиши шаҳар қурилишида энг муҳим воқеа бўлди. Муҳимлиги шунданки, ҳар битта бригада алоҳида қурилиш майдонларида иш олиб боради. Бир объектда бир неча уйни тиклади. Бошқармасига айтганда бор маъмулят бош пудратчи қурилиш ташкилотчи- нинг зиммасида. Яна бир қўлайлик гонони шунданки, панель, карнас, пол- дан бошлаб сўнги иш жараёнага- ча хом ашёни комбинатнинг ўз етказ- им беради. Бошқа бошқармаларда

бўлган каби 3-қурилиш конвейери бошқармасининг ўзиде ҳам ҳамма мутахассислик бўйича кадрлар ма- жмуида Улар иш жараёналарини бори- шига ҳар бир босқичда кўз-қулоқ бў- либ турадилар ва гайрат билан иш- лаядилар. Бу бекиз эмас, албатта. Қурилиш ташкилотда ҳозир кенг қўлланилаётган бригада пудратчи усу- ли ҳар бир меҳнатчидан ана шундай жонқуярликни, фидойиликни тақозо этапти. Уларнинг фаолияти бригадалар амалга оширган ишнинг сўнги уйсозлари ўтган ойда рекорд натижа- га эришдилар. Янги уй икки ойдаёқ пардозловчиларга топширилди. Шу билан Чилонзорнинг Проект кўчасида тикланаётган замонавий эксперимен- тал уй тўрттага етади. Ҳозир бешин- чи бинодо қурилиш-монтаж ишлари олиб борилапти. Ишнинг уч сме- нада ташкил этилаётган эришма- ётган муваффақиятининг бош омил- ги бўлапти. Уч сманалилик ҳа- ракати ўзининг кони фойда экан- лигини кўрсатмоқда. Қурувчилар кунини тунга, тунини тонга улаб ҳамшаҳарларимизнинг янги уй- жойларга бўлган эҳтиёжларини қон- диршдек хайрли ишга баракалик улуш қўйишляпти. Бироқ ишнинг ривожига тўсқин бў- лётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Айниқса, қурилиш материаллари таъ- минотдаги ноумумтобликдан би- ноқорлар қаттиқ ташвиш чекляпти. Комбинатга қарашли таъминотчи за- воднинг лойиҳа қувватига чиқиб ол- манглиги уларга қаттиқ панид бериб қўяпти. Бу ҳол кўпроқ иш айтиш қизган пайтда материалларнинг танқис бўлиб қолганига сезил- моқда. Заводнинг ишлаб чиқариш қуввати қурилиш объектидаги иш жараёналарга мувофиқ келмаяпти. Қурувчилар билан қилинган сўхбат чоғида улар заводда ҳам қайта қу- рилиш тезроқ амалга ошириш вақ- ти етганини алоҳида таъкидлаш- ди. Бу ҳақ пан. Қайта дурш — умумхақ иш. Бу қурувчилар ҳеч қачон қолмаслигини керак. Жун- ладан таъминотчилар ҳам. Улар ўз талабига қанчалик тез бўлгани кун талабига мувофиқ қайта қурсалар, уйсозларнинг ҳамшаҳарларимизга улшадириган чинакам қувончлари шун- чалик кўпайди. Р. АҲМАДЛИЕВ.

Анҳор бўйининг келажаги Демократия сабоғи

Тошкент шаҳар ижроия комитетининг раиси Ш. Мирсаидов ваъда бергани- дек, пойтахтининг энг чиройли гўшадаридан бири — Анҳор бўйини ободон- лаштириш лойиҳаларини учун ошқин кўнкурс эълон қилинди. 1 августдан 1 ноябрга қадар ҳар бир мутахассис республика Архитекторлар союзига ўз лойиҳасини тақ- дим этиши мумкин. Шундан кейин ушбу асарлар кўр- газмаси очилди, лойиҳалар жамоатчилик иштироки билан муҳокама қилинади ва жюри қарор чиқаради. Кўнкурс программаси тасдиқланди. Ушбу ҳужжатда услублар ва архитектура — манзара воситалари баён этилмаган, кўнкурс ишти- рокчиларининг эркини бў- маслики учун шундай қилин- ган. Программани кичкина-

гина маслаҳат бор — «Пах- такор» стадионига кираве- ринида, қанал кенг, катта кўчаларни кесиб ўтган га- жам жойларда мавсумга қараб, кенгайтириладиган объектларни жойлаштириш мумкин». Бунинг мағзини қақиб қўрайлик. Яна каоби- хоналар очилдики? УАТАГ муҳбири Н. Шу- лепина билан бўлган сўх- батда Архитектура ва план- лаштириш бош бошқармаси план ишлаб чиқариш бош- қармасининг бошлиғи ва маъруза программани тўзган Р. Файзуллаев бундай деди: — Биз, кейинчалик, янги муҳокама чоғида энг яхши деб топилган лойиҳадан баъзан нарсаларни олиб та- шлаш ва уни баъзи нарсалар билан тўлдиринишга қарор қилдик. Фалон объектни жойлаштирасиз, деб тавсия

берилиши мумкин эди, ле- кин бу лойиҳачиларнинг ташаббусини бўғиб қўяди. Нима иш қилиш керакли- гини ҳеч қачон билмайди, — бунинг ҳозир аниқ айтса бў- ларди. Республикда бевоси- та манзара билан шуғулла- надиган архитекторлар деяр- ли йўқ. Сўнги 20 йилдан зиёд даврда ҳеч қачон иста- роҳат болганни лойиҳалаш- тирмади, ҳозир ишлаб тур- ган болларга ҳам меъмор тафаккурининг даҳли йўқ. Бу боллар пурдудан кетаёт- ганлигининг боиси ҳам ана шунда. Маданият министр- лигига «тадбирлар» бўлса ва даромад тўшиб турса, бас. Булар эса дўкону дў- кончаларга ва аттракцион- ларга боғлиқ. Биз юқорида тилга олган дўконларга бо- радиган йўлларга эса ас- фальт ётқизилди, ҳа, ер-

ДУНЁ ХАБАРЛАРИ АФГОНИСТОН ҚОРАЛАЙДИ

Женева битимлари кучга киргандан бунён икки ярим ойдан кўпроқ вақт ўтди. Покистонда эса оппозициячи гуруҳлар тайёрлаш ва уларни қуроллантириш базаларини ҳамон ишлаб турибди. Бу эса ана шу битимларни очикдан-очик бузиш- дир, дейилади Афғонистоннинг БМТ ҳузуридаги доимий ваки- ли Шоҳ Муҳаммад Дўстининг БМТ Бош секретари Х. Перес де Кузьяр номига ёзган ва бу ерда эълон қилинган макту- биде. Ҳужжатда таъкидланадики, Покистон Женева битимларини бузиб, ўз территориясида ҳукуматга қарши афгон тўдалари акалларидан иборат ўтиш даври ҳукумати деб аталган ҳу- куमत тузилишига йўл қўйди. Покистон маъмуриларининг руҳ- сати билан қуролли оппозициячи гуруҳларнинг катта отряд- лари Афғонистон территориясига юборилмоқда, БМТ куза- тувчилари эса турли баҳоналар билан қурол-ярғоллар омбор- лари жойлашган районларга бориш имкониятидан маҳрум қилинмоқда. Покистон орқали кўп миқдорда ракета етказиб бериладиган натижасиданга Қобул ва бошқа шаҳарларни ракета билан ўққа тутиш мумкин бўлди. Бундан ташқари, Покистоннинг қуролли кучлари оппозициячи афгон тўдалар- ига уларнинг қўрувчилик фаолиятида очикдан-очик ёрдам беришга ва ҳатто Афғонистонга қарши қаратилган илгаридан ҳаракатларда бевосита иштирок этмоқда. Қочқорлар Аф-ғонистонга қайтиш имкониятидан маҳрум қилинмоқда, чуқки ватенига қайтиш нияти борлиғи шубҳа қилинган кишилар му- нтазам таъқиб қилинмоқда.

Покистон маъмурилари, дейилади сўнгра мактубда, Афғо- нистондаги экстремист тўдаларга Покистон орқали қурол- ярғол ва ўқ-дори етказиб бериш ҳолларини текшириш учун БМТ кузатувчиларининг доимий постларини тузишга руҳсат бермедилар. БМТнинг Исламободдаги кузатувчилар гуруҳи- си шу вақтга қадар тегишли транспорт воситалари, энг авва- ло вертолётлар билан таъминланмаган. Ҳолбуки, Женева битим- ларига мувофиқ, Покистон маъмурилари уларни инспекция ўтказиш учун транспорт воситалари билан таъминлаши керак эди.

НИЛДАГИ ҲАЛОКАТ

Италия сайёҳлари тушган «Нубия» кемаси Нил дарёсида сузиб, Асвондан Луксорга ке- лаятганда, Эдфу шаҳридан сал нарида чўкиб кетди. МЕНА агентлигининг хабар беришча, 96 кишидан иборат пассажир ва экипаж аъзоларидан 62 ки- шини қўтаришга муваффақ бўлинди. Экспертларнинг маъ- лумотларига кўра ва гувоҳлар- нинг айтишича, Нилда тўсатдан бошланган бўрон тўқинини кушайтириб, ҳалокатга сабаб бўлган. Шунча кўп қурбон бў- лишининг боиси шунданки, кў- чилик пассажирлар шамол тургани сабабли қаюқалардан паноҳ топган эдилар. Кема 30 секунд ичиде чўкиб кетди.

Объективда—ГФР



Ш. ДАДАНОВ: Кооператив аъзосига бирор имтиёз кўзда тутилгани, яъни қарз бери- ладими? ЖАВОБ: СССР Омонатлар банкни уй-жой кооперативлари- нинг аъзоларига 10 йил мо- байнида тўлаш шарти билан беш минг сўмгача миқдорда қарз бериши мумкин. Ана шу қарз учун СССР Омонатлар банкига қишлоқ жойларда икки процент ҳисобда, ша- ҳарларда ва шаҳар типидagi посёлналарда истиқомат қи- лувчилар учун процент ҳисоби- да йиллик устама ҳақ тўлай- дилар. Улуг Ватан уруши инва- лидлари ва қатнашчилари, ҳалон бўлган ҳарбий хизмат- чиларнинг оилалари ва улар- га тенглаштирилган шахслар қардан фойдаланганлиги учун процентларини тўлашдан озод қилинадилар. Улар, шу нуму- ладан кўп болалик оилалар қарзларини ордан уч йил ўтганидан кейин қайтара бош- лайдилар. Бир нарсига эътиборингиз- ни жалб этмоқчиман. Агар қарздан бошқа мақсадларда фойдаланилган бўлса Омонат- лар банкни қарз бўйича бадал- ларини муддатидан илгари, олинган қарзининг бутун сум- масига 12 процент устама пул қўйиб қайтариб олиш ҳуқуқи- га эга. Ш. КАРИМОВ: Корхоналар қарз олган ўз ходимларига ёрдам бериши мумкинми? ЖАВОБ: Корхоналар меҳнат коллективининг розилиғи бил- ан уй-жой ва уй-жой қури- лиш кооперативларининг аъзо- си бўлган ўз ходимлари бил- ан кооператив уй баҳосини тўлашда молиявий ёрдам кўрс- атилиши ҳақида шартномалар тузишлари мумкин. Бундай ёрдам социал ривожланиш фонди маблағлари ҳисобига амалга оширилади. Иш стани- ке беш йилдан зиёд бўлган хо- димларга 10 процент миқдор- да ёрдам берилади. Меҳнат стани 10 йилдан зиёд ходи- мларга қарзининг 30 проценти, стани 15 йилдан зиёд ходи- мларга 50 процентиға қадар ёрдам берилади.

ҚИММАТБАҲО ОРОЛЧА

«Муз ва олов» мамлака- тида катта ташвиш куза- тилмоқда: олимлар ўтказган тадқиқотлар Исландиянинг шимолӣ соҳилида, океанда жойлашган кичкинагина Колбейснэй оролининг эрро- зиандан нураб, тўқиллар қаърида гойиб бўлишини кўрсатмоқда. Исландияликлар Гурбний германиялик ҳамкасблари билан муъжазгина сув ости кемасида океан қаърига тушиб чиқдилар. Экспеди- ция қатнашчилари 90 метр чуқурликда кучли геизер- ларни топишди. Уларнинг кўз ўнгига турли-туман сув жониворлар, қўқатлар на- мосу бўлди. Уларнинг ран- ги деярлик ҳар қадамда ўзгариб туради. Олтин- гурт билан заҳарланган, қайнай-қайнай деб турган сувда митти қизил бадиқлар хотиржам сузиб юришарди. Биололар сув ости са- фиридан мамнун қайтишган бўлса, геололар тахмин қи- лingan табиинг — Колбейснэй оролининг муқаррар гойиб бўлишини тасдиқладилар. Океан сатҳидан етти метр кўтарилди турган ана шу кимсасиз оролча нега энди исландияликлар учун азиз бўлиб қолди? Гап шун- данки, Исландиянинг иxtисо- сий балиқчилик зонаси ҳи- соб-қитоби ана шу оролдан бошланади. Агар оролча

ЧИГИРТКАЛАР ХУЖУМИ

Хартумдан хабар бериш- ларига қараганда, Суданга сои-саноксиз чигирткалар тўдалари бостириб кирган. Мутахассисларнинг чамада- рига қараганда, мамла- катнинг энг ҳосиллари хавф остида қолган. Ҳозир- ча чигирткалар мамлакат- нинг гарбий ва шарқий че- гараларида, Хартум яқини- да тўпланган. Суданияликлар уларнинг ҳаракатларини ха- вотирлианди кузатиб тури- шибди.

Яхши кўришнинг меъёри

(Ўйлаб топилмаган ҳикоялар)

Бу кишини бир мен эмас — қаламкаш ҳамкасбларнинг кўпчилиги танирди. Анча камтарин, камсукум одам эди, ўз ишини, ўз идорасини яхши кўрарди. Лекин ҳамма нарсдаги сингари яхши кўриш ҳам меъёрида бўлгани тузуқ экан...

Бундан ўттиз йилча муқаддам мен — университетни тамомлаган ёшгина йигит, газета редакцияларида биринчи ишлаш бошладим. Албатта, бирор идорага янги келган одам бу ердаги «оски»ларга — ишлаб турган ходимларга раҳм солади, улардан ўрганишга, яхшиларидан ўрнак олишга ҳаратан қилади. Редакциядаги яхши ходимлардан биттаси ўша одам эди. У ёшгина, чиройли, табиятан тоза йигит эди, кийиб юрадиган пушти ранг енгил олма кўйлагини ўзига ярашиб турарди, бошқалар билан муомаласи ҳам оддий, бекиноя, тўғрима-тўғри бўларди. Тўғри, Абдухалил ақанинг (у кишининг номи шундай эди) қалами жуда ўткир бўлмас ҳам, ҳар қалай ёзишни билар, кўпчилик назарида келажакчи бор, «Усадиған» йигит эди. Ҳақиқатан ҳам у кўп ўтмай «Усади» — янги ташкил этилган бир идорага бошлиқ қилиб тайинланди. Лекин у эсини ҳамкасбларини унутмас, борганини яхши кутиб олиш, дарров қозғабасини чанириб чой дамлатар, ўзи эса ҳосиллаган томонга айланган турадиган ўриндигида гоҳ ўнган, гоҳ чапга ним бурлиб сўзлашиб, ўтиришни яхши кўрарди. Тўғри, келган одамнинг ишнинг дарҳол тўғри лаб беришга бермасди-ку, лекин ҳар қалай унинг яхши муомаласи, янги муҳими — бу бошлиқнинг ҳайотдек катта «хонак» ҳиссида бемалол кира олиш мумкинлиги кишида яхши таассурот қолдирарди.

жон деган йигит эди, Эшонки очиб киришга кирдингми, қайтиб чиқиб кетиш ноқулай, мен дастлаб Абдухалил ақани ҳордиқ олишга чиққани билан, Қаримжонни эса янги иш билан табриқладим. Гап орасида бошлиқнинг шу идоранинг ўзидан чиққан ёш, гайратли йигит бўлганидан хурсанд эканлигини кўшиб қўйдим.

— Ҳа, энди ҳамма нарса ёшларники, — деди ўзининг тўрдаги айлиниб турадиган ўриндигида эмас, ён тарафдаги оддий курсида ўтирган Абдухалил ақа аллақандай алам ва ҳорғинлик билан. Унинг ўз ишидан, ўз амалидан кетаётганлигидан жуда-жуда хафа эканлиги шундоққина кўриниб турибди. Бу сўхбатга аралашиб қолганимдан ўзимни ноқулай сездим, у кишини бироз йўлатмоқчи бўлдим.

— Энди бемалол ишод билан шуғулланиш мумкин-ку?

— Э, — деб қўл силтади Абдухалил ақа, — раҳбарлик билан банд бўлиб, ёшдан бутунлай қўлимиз чиқиб кетган...

Бўлмаса, яхши битта қалин китобни оливолиб, олдингизга кўк чойни қўйволиб, таржима қилаверасиз-да, — деб гап қўшдим мен Абдухалил ақанинг бу идорада ишлаганини назарда тутиб.

— Уям қийин, — деб жавоб қилди у гапимга қилиб. — Кўз чағоқ...

Бўлмаса, чойхонага чиқиб олиб улардан билан паловхон турани уришга нима етсин, — дедим мен унга ачиниб. Кейин Абдухалил ақанинг ўз иши, ўз хонасию, ўз ўриндигидан сира-сира аяқалгиси келмаётганлигини, юраклари эзилб кетаётганини сездим, бу ачинарли манзарани бошқа кўрмаслик учун ташқарига чиқдим.

Кейин Абдухалил ақани кўча-кўйларда бир-икки кўрдим, у худди бўшатилган қопдек бўлишиб, шаллаиб қолган, гаплари ҳам алмоин-алмоиндек туюлади. Ҳа, Абдухалил ақа чойхоналарда қариялар билан суҳбатчилик қила олмайди, нафақаҳурилик тағини ҳам суролмайди. Бирор ой ўтар-ўтмай унинг эси айниб, бетоб бўлиб қолганини эшитдик. Кейин...

Ана энди бир гуруҳ дўстлари, ҳамкасблари Абдухалил ақани сўнгги йўлга кузатиб қўйишди. Тобутни кўтариш олдига ўтказилган хизматлари ҳақида гапириб ўтган бўлишди. Лекин ҳеч ким уни «амал қурбони» дейлмади. Атир марҳум тўғрисида ёмон гапни гапириб бўлармиди?

Маъсум дарахтлар

Девор-дармиёв икки қўшни бир-бирларини билан аразлашган эдилар. Уртада кирди-кичди йўқ кўришганда «Бетинг курсин», деб тескари қарашлар... Уларни бир-бирларидан йўқ қалин китоб девори ажратиб турарди. Аслида эса бу шунчаки, пастак кина паҳса девор бўлиб, икки тарафда ўсган дарахтлар унинг устида бир-бирларини билан чирмашиб кетишганди. Бу қўшни

нинг ўрниги катта бир шохини у қўшинини ҳовдисиغا қараб ёзиб юборган, у қўшинининг олмалари эса буниқинга ўтиб, шигил меваларини осилтириб турарди.

Маъсум дарахтлар уриш, аразлаш нима лигини билишмасди-да...

Мухтор ХУДОЙҚУЛОВ.

Кўнглимдаги гап

Халқ оҳанги мангу

Ҳар бир халқнинг ўз урф-одати, тили-адобиёти, санъати, мусиқаси борки, у ўша халқ учун мангу яшайди ва у жамият ривожланиши билан баробар ривожланади.

Бу жараёнда, айниқса санъат ва мусиқа фанқатгина руҳий оҳанг бўлибгина қоламай, балки миллатнинг узоқ асрлар давомида маънавий қиёфасини ҳам белгилайди.

Ўзбек халқи санъатсевар, санъаткор халқ. Халқимиз миллий чолғу асбобларининг ўзини қарийб 50 хилдан ошадди, мусиқаларини эса андада кўп. Бунинг биз фонофондига нисбатан эътибор қилинган ашула, катта ашула, лангарлар ва бехисоб кўй-оҳанглари мисолида кўришимиз мумкин.

Бизнинг вақира — ёзиб қолдирилган миллий овоз, оҳанглари авайлабгина қолмасдан, балки бу улғур классик меросининг давом эттиришга, миллий анъаналаримизни давом эттиратган ёшларимизга дурустроқ эътибор беришимиз керак.

Агар бу масалага ошқоралиқдан келиб чиқиб очиндан-очиб айтганим бўлса, ҳозир ижод қилиниб, ижро этилаётган ашулар ва кўйларнинг кўпгина қисми ўзбек миллий «санъати учун ёт», тушуниб бўлмайдиган оҳанглари. Ёш композиторларимизнинг халқимизга тақдим қилаётган асарлари кўпи хом ёки енгил-елми ижод қилинаётган, улардан биз на руҳий озуқа оламиз ва на халқимизнинг мусиқавий идорасини ўстирамиз. Лекин шундай мусиқашуносларимиз ҳам борки, улар ҳақиқатан ҳам мусиқамизни, санъатимизни ўзларининг ҳақиқий мерос бўлиб қолаётган асарлари билан бойитмоқдалар.

Муллаўтўйчи Тошмуҳамедов, Домла Халим Ибодов, Шероий, Юнус Ражабий, Муҳаммаджон Мирзаевлар иратган асарлар театр сахналаридангина эмас, балки халқимизнинг туй-тантана маросимларида ҳам ижро этилиб, халқимиз учун хизмат қилаётган.

Ҳозирда ўзининг ижрочилиги санъати билан барчага маъқул хонанда Муножот Йўлчиева сингари санъаткорларимиз ҳам бор. Бу хонанда тўғрисида қанча гапирса ҳам оқ. Унинг ижросида янги раётган ўзбек классик кўшиқлари шонирини Абдулла Оринов айтгандек, «меъёрига етказиб айтади». Таниқли мусиқашунос Муҳаммаджон Мирзаев «Муножот ўнган хос услубга эгаки, бундай хонандалар жуда кам учрайди», деган эди.

Халқимиз учун сеvimли хонанда Берта Давидовдан «Сизнинг келажак авлод учун ўринбосарингиз борми?» деганларида у, «Ҳа, бу Муножот Йўлчиева» деб жавоб берган. Дарҳақиқат, ўзбек халқи бу хонанда ижросидаги ашуларини жониди билан эшитганда ва уни тартиблаган ҳетозларга минг тазъижлар бўлсин, дейди. Афсуски бундай хонандалар халқимиз орасида ҳали кам. Уларни кўпайтириш, тарбиялаш ва халқимизга хизмат қилдириш керак.

Бизга маълумки на Муножот ва на унинг устози Шавкат Мирзаев тегишли даражада тақдирланган эмас. Уларда шу вақтга ҳеч қандай унвон йўқ! Лекин санъатсевар халқимиз учун улар ҳар қандай унвонлик хонандалардек ҳурматга сазовор бўлар.

Булар қаторида ҳам хонанда, ҳам созанда, қарийб 30 йилдан зиёдроқ вақтдан бери ижод қилиб келаётган Ҳалим Жураевни ҳам айтиш мумкин. Ҳ. Жураев 11 дан орттиқ чет эл мамлакатлари ва Москва, Беларуссия фестивалларида бўлган, мукофот ва дипломларга сазовор бўлган ижодкор. Бироқ у ҳам ҳалигача тақдирланмаган. Бу борада санъаткорнинг санъатини ва ижрочилиги маъносини тақдирлаб, уларга унвон берадиган тегишли мутасадди ташкилотлар ҳам, шахслар ҳам халқ овози билан ҳисоблашмилари керак.

Юқорида Ўзбекистон радиоси ва телевидениеси тўғрисида гап юритдик. Мен улар эътиборини бир ҳолатга қаратмоқчиман. Миллионлаб радиоэшитувчиларимиз ҳар кун кеч-қурун бошлардан эшитиришни тинглашди. Бу эшитиришнинг мусиқаси қарийб 40 йилдан бери бир хил, мотам мусиқасига ўхшаш. Болаларнигина эмас, катталарни ҳам таянган қилади.

Яна бир муҳим масала: ҳар кун эрталаб соат 8.00 гача бериладиган лангарлар радио газетаси мазмуни ва услубига бир эътибор беринг. Бу эшитириш болаларнинг ўз тилида, ёш болалар гапи, сузи бўлиши керак. Болалар кишининг энисини қотирадиган катталарнинг сузини ўқиб бериши керак эмас.

Кейин, эшитириш вақти болалар учун жуда ноқулай. Бу эшитиришни тўғри, қўзиқарли, мазмуни қилиб ўтказиш учун Москва радиоси эшитиришларидан ўрнак олишга мажбур мувофиқ бўларди.

А. САМИҲОНОВ, профессор.



Раққосалар хиром айлаганда...

М. Назаров фотоси.

Умрим

Умрим — мисоли йўл, мен эса сайёҳ,
Мудом манзиллардан манзила ошум.
Уфлар чорлаб турар олдидан ҳар чор,
Мен улар ишида чашмадек тошум.
Гоҳо барқ ураганки ижод чамани,
Гоҳо ғам-андуҳга тўлди юрагим...
Дейман: «Аро йўлда қолдириб мени,
Ногоҳ панд бермасанг бўлди, юрагим!».

Замин тебранар...

Тун.
Замин тебранар, силқинар ногоҳ,
Ногоҳ кўнгилларга тушар гулгула,
Ҳаяжон, қўрқувдан ҳамма ҳам огоҳ,
Қаҳор, тўхтар девлар машум зилзила.
Хол катта, хол кичик, бўлди кўп зада,
Қанча дилларни у айлади шайрон.
Бенг ашар ўғлим ҳам уйғониб: «Ада,
Тосиб тушарини уй», — дейди-ю, ҳайрон...
Табий офат-да, фалокат, галдор,
Бино, йиғини кўрди энциентра...
Ва лекин кўрбо олмади зинҳор
Дўстлик кўпригини, у боқиб бирдай!

Баҳордек қадрли...

Бир йил кўришмаган қадрон мисол
Илҳақ кутдим сени, мархабо, баҳор!
Сулув қиллар каби кўрсатиб висол,
Кел, сенга мен хумор бўлганман миғ бдор.
Чор-атрофини бурқаб зумрад чаманга,
Дилга олам-олам ҳузур бахш этдинг.
Даста-даста тутиб гулзидан манга.
Хаёт зақини, ажиб ҳислар нақш этдинг.
Шунданми, бўлганман кўрқингга шайдо,
Ва мафтун ҳар гунчанг, ҳар бир гулзидан!
Машгулқасин кутган ошқимани ё,
Кўзим тикиб пойлар бўлдим йўлингга,
Тоғ каби кўтариб қўнглини гоҳи
Намушу шамол бўлиб елиб қолсан.
Сен-ла дилнинг қолмас губорин, оҳи,
Чунон соғинтириб, келиб қолсан.
Истайман, одамлар бўлароқ хумор,
Бир-бирини куттишиб, эйтиши эъвоз,
Ҳар ким бир-бирига интиқ, интизор,
Баҳордек қадрли бўлса, қандай соғ!

Музаффар ТУРОВОВ.

Фаришта

Қатра

Гоҳида эр-хотин уйда ёлғиз қолсанг,
Нима қилишини билмайсан.
Хотининг мингил лаб уй супурда,
Кир ювади, сен эса қреслога чўкиб,
Мирқиб журнал ўқисан ва шу маҳал жиддий иш ҳам топилиб қолади.
—Ҳой, хотин, нега радиони уйнасан!
—Еш боламанми, уйнаб?
«Машъалга оламан!»
—Узи «Машъалда турибди-ку!»
—Вой-бў, намунча бақирасиз, олинг, радионгизни!
Журналини улоқитиб, сакраб турасан.
—Зарда қилма, бузасан!
—Сиз ойим олиб берган телевизорни ҳар минутада мушталаганиз майлига!
—Ия, ҳали сенки-меникига бориб қолдингми!
—Рост-да, сиз нима опсиз, ҳаммасини менинг уймидеги лар қилишган.
—Хали шунчаки, радионинг, кир машинани-чи?
—Сервантни отам қилганлар!
—Овнинг остидаги гилами ҳам меники десан!
Тамом, бошланди! Гўё аёв-сиз олишаётган душман кўшигиндаги пулеметлар сингари тўхтовсиз отишма бошланди.
Ярим соатлардан сўнг чарчеб: хотиннинг шип-шипа хонанинг бир бурчагига уюлган ашқол-дашқол устига, сен эса иккинчи бурчадаги бир уюм қакур-қукур устига чўқасан ва пешанангданги терни артиб яна журнални кўлга олсан.
Хотининг эса дик этиб туриб журнални кўлингдан юлқиб олади.
— Бунга мен эзилганман!
Сен ҳам жаҳл билан туриб унинг оёғидеги шиппакни ечиб олсан.
— Бунинг олиб берганман!
—Қуримсоқ! Қаранг, янги йиртик пайпогингиз қолиб кетмасин!
—Узинг қуримсоқ! Хўш... бўлишадиган тагин.
Шу пайт уйга қийқириб ширин, думбоқ ўғилчанг чопиб кирадию, ағдар-тўнтар хона ўртасида тўхтади.
—Вуй, кўчиб кетамизми? Урре-е, кучамиз! — у сакраб чапан чалади, — бувиани ҳам олкетамизми!
Эр-хотин «ялти этиб бир бирингга қарайсан. Эшикда оқ доқа рўмон ураган нуруний кампирини кўриб, сакраб турасан. Хонага нури, фойзли бир нима оқиб киради.
—Ҳа, болаларим, тинчликми!
— Ҳе, шу... озроқ... уйини, — чайналади хотининг.
—Келинг, бувижон... уйини би-ир...» дейсан герданнинг қашлаб.
—Вой, тотув бўлган буйларингга қоқиндиқ! Байрамга уй кўтараясизларми!
Эр-хотин бир-бирингга тикилиб, кулимсирайсан, ўғилчанг қийқиради, нуруний кампир майин, ёқимли жиймамай...
Абдурахмон ИБРОҲИМОВ.

Нима? Қачон? Қаерда?

15—20 август
МОСКВА ТЕАТРИ
МЕҲМОНИМИЗ

Ватанимиз пойтахтида янги ташкил этилган «Граждан группаси» театр-студияси ўзининг бир қатор асарлари билан томошабинлар ҳурматини қозонмоқда. Бу ижодий коллектив кун кеча, шаҳримизга гастроль сафарини билан келди. У «Интурист»нинг Тошкентдаги маданият-ахборот марказида 17 дан 28 августгача ўзининг саҳна асарларини намойиш қилади.

Театр коллективи Тошкент томошабинлари диққатига А. Савинскийнинг «Хайри» кун, жаноб Гоген», О. Кочневнинг «Густини, қўлаб олгунча» асарларини ҳавола қилди. Бу янги саҳна асарларида ҳозирда мамлакатлар ва ҳайта кўриш билан боғлиқ муаммолар ҳақида фикр юритилди.

«ПАРВОНА»

Атоқли адиб Уйғуннинг «Парвона» пьесаси ўзбек совет драматургиясининг энг яхши асарларидан бири. У саҳнада доимо томошабинга завқ бахш этади.

«Еш гвардия» театри ана шу асарни ўз саҳнасида биринчи марта сахналаштирди. Поклик ва нопоклик, ҳаполик, софдлик ҳақида ҳикоя қилувчи бу асар шу куннинг талабларига тўла жавоб беради.

Асардаги бош ролларни Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Обид Юнусов, Дилбар Исмоилова, Гулҳебра Жамилова, артистлар Диломор Қаримов, Маҳмуд Дусматов ва бошқалар ижро этишмоқда. «Парвона» саҳна асари премьераси 16 август кун соат 19 да ўтказилди.

КОНФЕРЕНЦИЯ ДЕЛЕГАТИ
ЎҚУВЧИЛАР ҲУЗУРИДА

Яқинда бўлиб ўтган Бутуниттифок XIX партия конференцияси материаллари ҳамма жойда катта қизиқиш билан ўрганилмоқда. Бу аниқманда кетганда Ўзбекистон вакиллари шу кунларда жойларда қатор учрашувлар ўтказишмоқда. Шулардан бири Тошкент алоқа электроника институтининг ректору, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг муҳбир аъзоси Ж. А. Абдуллаевлар. Ўзбек олим мактаб ўқувчилари билан учрашув конференция таассуротлари ҳақида гапириб бериб, фан ва техника олдига турган долзарб вазифалар ҳақида сўзлади. Бу учрашуви ҳақида телевидение орқали 19 август кун соат 19 дан 15 минут ўтганда яққол тасаввур олиш мумкин.

ТЕЛЕВИЗИОН МИНИАТЮРАЛАР
ТЕАТРИ

Ўзбекистон телевидениеси шу ҳафтада ўз томошабинларини телевизион миниатюралар театри асарлари билан хушнуд қилади. Кўрсатув 21 август кун соат 22 дан 05 минут ўтганда бошланади.
Бу кўрсатувда муаллифлар Эсон Зокировнинг «Тексир», Эрғаш Рақимовнинг «Кора ўрғинча», Абдулган Абдуғуловнинг «Сиздан нима кетди», Адам Ҳамдамнинг «Кўзичоқ», Тўхташ Ашуровнинг «Комиссия», Дадахон Нурийнинг «Қабул тугади» асарлари асосида инсценировкалар ижро этилади. Бу асарларда қайта кўриш ишларини амалга ошириш йўлида тўғриликни қилган кишилар, турмушимиздаги ярамас иллатлар ўткир ҳаёқ тингга олинади.

«РУҲЛАР ИСЕНИ»

Ўзбекистон ССР халқ шоири Эркин Воҳидовнинг поэтик асари ўзининг долзарблиги, бедий жиҳаддан ўқиниши ва ҳажонини эзилганлиги билан диққатини жалб этади. Ўзбекистон телевидениеси ана шу асар асосида адабий театр кўрсатувини ҳозирлади. У 21 август кун соат 18 дан 50 минут ўтганда кўрсатилади.

«ЧУЛПОН» АНСАМБЛИ

Оренбург области давлат филармониясининг «Чулпон» деб номланган татар эстрада ансамбли коллективини бир неча кундан бери шаҳримиз томошабинларига маданий хизмат кўрсатмоқда. Бу ижодий коллектив республика билмилар уйда 15, 16, 17 август кунлари соат 20 дан бошлаб концертлар беради.

Қардош санъаткорлар репертуридан таттар халқининг ҳадимий ва замонавий кўшиқлари, лангарлари, рақслари ўрин олган.

Меҳмонларимиз шу ҳафтада пойтахт областининг Ангрен, Олмалик, Оксанган шаҳарларида ҳам кўллаб концертлар беришади.

А. ПУЛТОВ.



Раиш

Мен бир изтиробда ёнияман,
Кундан-кун ташвишим зўда.
Тунлар чўчиб зўп уйғонияман,
Бунча гўзаллар кўп дунёда!
Улар ўтиб борар савра-саф,
Лашкар торган гўмонлар бўлиб.

Мен бир тараф.
Улар бир тараф,
Дилда алам.
Яшайман кулиб...
Яшайман кузга айлиниб,
Қарарман, сизга, азизим,
Бор вужудим билан боғланиб,
Борарман, сизга азизим,
Бунча гўзаллар кўп, дунёда...

Иқроп

Бевақ қўёш қулаверди,
Болғар кўз ёш қулаверди,


Қорлар эриб, ўлаверди,
Сени кўргим келаверди...
Эшик қоқиб ёзлар ўтади,
Эътиборлар, розлар ўтади.
Ихтилофлар, нозлар ўтади,
Сени кўргим келаверди...
Дул кўтарган содда ошқилар,
Гул куйдирар маъсум машъуллар.

Яралади иккинчи қўшиқлар,
Сени кўргим келаверди...
Автолардан қолиб юрман,
Аэролардан қолиб юрман,
Хаёлимда олиб юрман,
Сени кўргим келаверди...
Сени кўргим келаверди...

Қайтмаган турна

Қанотинг қайрийдими,
Дўстингдан айрийдигми,
Умидда АБДУАЗИМОВА.

Ҳангилга сўнмай қаҳринг,
Яраланганим бағринг,
Турнажон!
Уча-уча соғ-омон,
Қолиб кетдинг ногаҳон!
Митти майса айтди сўз,
Митти майса қисди кўз,
Тур-на-жон!
Булоқ сувлари тиник,
Майса сўзлари тиник,
Тинчликда созланиб,
Борурсан парвозланиб,
Турнажон!
Ошиб ўтганинг болғар,
Учиб кетганинг тоғлар,
Қирмизга бурканмишлар,
Тинчликка ўрганишлар,
Турнажон...



Тошкентнинг архитектура ансамбллари.

Р. Шарифов фотоси.

II ОЙДА ОШПАЗЛИК КАСБИНИ ЭГАЛЛАЙСIZ



БУНДА СИЗГА СОВИР РАХИМОВ РАЙОН ОШХОНАЛАР ТРЕС ТИНИНГ МАКТАВ-ОШХОНАСИ ЕРДАМ БЕРИШИ МУМКИН.

МАКТАВ-ОШХОНАГА 8 ЕКИ 10-СИНФ МАЪЛУМОТИГА ЭГА БУЛган ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Мақтав-ошхонага кириш учун қуйидаги ҳужжатлар зарур: маълумоти ҳақида ҳужжат, мактабдан характеристика, 3x4 см. ҳажмида 3 дона фотосурат, паспорт ёки метрика.

Ҳар даврида ўқувчиларга ҳар ойда 63 сўмгача стипендия берилади.

Битирувчилар иш билан таъминланади.

Қуйидаги адресга мурожаат қилинг: Катта Олмазор трассаси, 15-уй.

Телефон: 48-74-95. Ҳужжатлар соат 9 дан 18 гача қабул қилинади. Танлаш соати 13 дан 14 гача.

СОВИР РАХИМОВ РАЙОН ОШХОНАЛАР ТРЕСТИ.

ЕЗ УЧУН ҚУЛАЙ ПОЙАБЗАЛЛАР



Ранг-баранг, енгил шилпақлар барчага қизалоқларга ҳам, каттароқ хотин-қизларга ҳам манзур бўлади. Бу пойафзал пошшасининг йўқлиги, уст қисмининг очиллиги, чиройли ташқи кўриниши ва қулайлиги тубайли ёғи отпускарлар даврида — пляжда ва саёҳатларда айниқса асқотади.

ТОШКЕНТДАГИ 2-ПОНАВЗАЛ ФАБРИКАСИ ИШЛАБ ЧИҚАРАётган АНАШУ ШИЛПАКЛАР 8 СЎМ 30 ТИНИНГ ТУРАДИ. УЛАРНИ ШАХРИМИЗДАГИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИДАГИ БАРЧА МАГАЗИНЛАРДАН ХАРИД ҚИЛИШНИНГIZ МУМКИН.

«УЗОВУБЪТОРГ»НИНГ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ САВДО БАЗАСИ.

МАГНИТОФОН, ТРАНЗИСТОРЛИ РАДИОПРИЕМНИК, ФОТОАППАРАТ ХАРИД ҚИЛГАНИ



ТАШКУЛЬТОРГ МАГАЗИНЛАРИГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ РАДИО ТОВАРЛАРИНИ ҚУЙИДАГИ МАГАЗИНЛАРДАН ХАРИД ҚИЛИШНИНГIZ МУМКИН:

- 1-магазин — Киров кўчаси, 17; 2-«Космос» магазини — Халқлар дўстлиги кўчаси (Метронинг «Хамза» станцияси); 3-магазин — Қорақамиш 2/4, савдо комплекси; 8-магазин — Навоий кўчаси, ярмарка («Дўстлик» меҳмонхонаси қаршисида); 10-магазин — Жуковский кўчаси, 2; 9/1-магазин — Олой бозори; 11-магазин — Мирсолиҳов кўчаси, 1; 14-магазин — Бериуий кўчаси, Марказ-27; 12-магазин — Луначарский маркази; 15-магазин — У. Юсупов кўчаси, 95; 16-магазин — Сергели; 7-магазин — Тракторозорлар массиви;


- 9-магазин — Кабулқов кўчаси (Олой бозори); 11/1-магазин — Госпиталь бозори; 16-магазин — Сергели, ярмарка; 4-магазин — Куйбйшев шоссеси, 850. Шу магазинлардан «Сокол», «Зенит-ЕТ», «Силуэт-авт», «ФЭД-5», «Зенит-ТТЛ», «Киев-88», «Зенит-11» фотоаппаратлари, «Рус», «Радуга» кинопроекторлари, «Пеленг-500 К», «Экран 3» диaproекторлари харид қилишнингiz мумкин. Фотоаппаратларнинг нархи 47 сўмдан 919 сўмгача, кинопроекторларнинг нархи 130 сўмдан 555 сўмгача, диaproекторларнинг нархи 95 сўмдан 110 сўмгача.

«ТАШКУЛЬТОРГ». «Союзторгреклама» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон агентлиги.

Ана шу магазинларда сизга ихчам «СОКОТЕ-216», «ЭЛЕКТРОНИКА-323», «ЭЛЕКТРОНИКА-324», «ВЕСНА-205», «НОТА-225», «МАЯК-233», «РОМАНТИКА-306», «ВЕСНА-207», магнитофонларнинг; транзисторли радиоприемникларнинг тақдир этишди. Магнитофонларнинг нархи 154 сўмдан 383 сўмгача, радиоприемникларнинг нархи 79 сўмдан 118 сўм 80 тийнганча.

ҚУЙИДАГИ МАГАЗИНЛАР ТУРЛИ-ТУМАН ФОТОАППАРАТЛАРНИ ТАВСИЯ ЭТАДИ: 6/1-магазин — Савдо расталари (Навоий кўчаси); 9-магазин — Кабулқов кўчаси (Олой бозори); 11/1-магазин — Госпиталь бозори; 16-магазин — Сергели, ярмарка; 4-магазин — Куйбйшев шоссеси, 850. Шу магазинлардан «Сокол», «Зенит-ЕТ», «Силуэт-авт», «ФЭД-5», «Зенит-ТТЛ», «Киев-88», «Зенит-11» фотоаппаратлари, «Рус», «Радуга» кинопроекторлари, «Пеленг-500 К», «Экран 3» диaproекторлари харид қилишнингiz мумкин. Фотоаппаратларнинг нархи 47 сўмдан 919 сўмгача, кинопроекторларнинг нархи 130 сўмдан 555 сўмгача, диaproекторларнинг нархи 95 сўмдан 110 сўмгача.

ДАВЛАТ ҚАБУЛ КВИТАНЦИЯСИ БЕКОР ҚИЛИНАДИ. ДУМАЛОҚ ПЕЧАТЬ БЕКОР ҚИЛИНАДИ. ПЕЧАТИ БЕКОР ҚИЛИНАДИ.



ОИЛАВИЙ САЙР Келинг, бир кулишайлик

ХАНДАЛАР

Хўранда: Бу чойми ёки кофе! Ундан кerosин хиди келаяпти. Официант: Агар кerosин хиди келса чой, бизнинг кофедан бўёқ хиди келади. Официант: Столдаги гуллар, мейнча сунъий, шундайми! Ҳа, бу вегетарианлар ошхонаси. Агар табиий гуллар кўйсанг хўрандалар еб қўяди. Нимага гэрдеробчига чойча бердингиз! Бошимдаги шляпани бергани учун. Гапингизга қараганда Францияда хизмат қилгансиз, деди ресторани директори янги ошпазнинг биринчи тайёрлаган овқатини татиб кўраркан. Худди шундай. Официант ресторанида икки йил давомида икки марта ярадор бўлганман.

Жамият ва қонун

«ЭХТИЁТ БУЛИНГ, ФИРИБГАР» Милиция ходимлари аҳолини ана шундай деб неча мароталаб огоҳлантиришган. Аммо айрим ҳамшаҳарларимизда қинғир йўл билан бўлса ҳам камёб буюмни қўлга киритиш истаги ҳамон устуни чиқаяпти. Бунга Чилонзор массивида истиқомат қилувчи А. Егоровни мисол келтириш мумкин. У суриштирмай-нетмай видеомагнитофон ваъда қилган икки номаълум кишига 1500 сўм пулни бериб юборибди. «Қолган минг сўм пулни видеомагнитофоннинг келтириб берганимиздан кейин оламан», деб кетган ана шу кишиларни энди ердан ҳам, осмондан ҳам топиб бўлмапти. Лаққа кино мухлисининг энди бутун умиди фирибгарларни зўр бериб қидираётган милиция ходимларига қаратилган.

СОВУҚ КҮРОЛНИ ОЛИБ ЮРГАНЛАРИ УЧУН Ҳамза район ижроия комитети ички ишлар бўлими хузуридаги идоралардан ташқари қоровуллик бўлимининг милиционерлари М. Шодиев ва Ж. Жуманов 4 августда Строительная кўчасида Тошкент трамвай-троллейбус ишлаб чиқарish бошқармаси депозитарий бирининг иккене Т. Мечедлишининг тўқтинчи эди. Тунг «саёҳат»нинг дипломидаги қўлбола пистолет макети ва «финка» пичоғи чиқди. Шу кечанинг ўзида, аммо шахарнинг бошқа районида, анкирога Марказ-14 кварталда Р. Худойбердиевнинг ёнидан қўлбола тугмали пичоқ топилди.

Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 210-моддасидаги қуйидаги сатрларини эслатамиз. Унда жумладан шундай дейилган: «Жонусиз равишда ханжар, фин пичоқлари, кастет ёки бошқа совуқ қуроолларни тақиб юриш, тайёрлаш, сақлаш ёки сотиш, агар совуқ қурол тақиб юриш шу кишининг касби, хизмати ёки ҳаёт кечирishiга болгик бўлмаса» кўрсатилган нарсаларни мусодара қилиб, бир йилгача муддатга озодликдан маҳрум этиши ёки шу муддатгача ахлоқ тузатиш иши ёки эллик сўмгача жарима солиши билан жазоланади.

УФИРЛИКЛАР Майда уғирлик қилгани учун илгари судланган В. Гончаренко тавбасига таянмаган экан. У яқинда «Ташкент» швейторнинг 17-магазини хотин-қизлар кўйлаги бўлими-

Ўқишга марҳамат!

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ТАЪЛИМИ МИНИСТРЛИГИНИНГ ҚУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТЛАРИ 1988-1989 ўқув йили учун

Ўқувчилар қабул қилади

8-ЎРТА ҚУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ Билим юрти авиасезлик санъати учун қуйидаги ихтисослар бўйича юқори малакали ишчилар тайёрлайди: учуш ашаратларининг йиғувчи-слесари, рақамли программа билан бошқариладиган станокларнинг оператори, сонли программа билан бошқариладиган станокларнинг соловчи, механика-йиғув ишлари слесари, санъат асбоб-ускуналари ремонти бўйича слесарь, кенг профилдаги станокчи, токарь, фрезерчи.

8-синфин битирганлар учун ўқиш муддати — 3 йил. 3 йил муддат билан ўқишга қабул қилинганлар овқат ва уст кийим билан таъминланадилар. Ўқиш тамомлангач, уларга ўрта маълумот ва касб оғаллаб чиққанлик ҳақида диплом берилади.

10-синфин битирганлар учун ўқиш муддати — 6 ой. Улар ойига 65 сўм стипендия билан таъминланадилар. Ҳамма ўқувчилар ишлаб чиқариш прагматикаси даврида меҳнат ҳақининг 50 процентини оладилар. Билим юртидаги татлим даври умумий меҳнат ва касба союз стажига қўшиб ҳисобланади.

Шунингдек, 10-синф маълумотига эга бўлган ва Совет Армияси сафларида хизмат бурчини ўтаб қайтган ёшлар фрезерлик касби бўйича ўқишга қабул қилинадилар. Ўқиш муддати — 6 ой.

Билим юртида спорт секциялари, бадний ҳаваскорлик, авиамоделичилик, радио, фото тўғараклари ишлаб турибди. Билим юртини ўзла баҳолаб билан тамомлаган ўқувчиларга олий ўқув юртиларини қувдугчи бўлимларига ва учувчилик авиация билим юртига ўқишга кириш учун йўллана берилади. Билим юртига таъминланганлар Тошкент политехника институтининг самолётсозлиги ва механика факультетлари кечки ва сиртки бўлимларига, шунингдек, бошқа олий ўқув юртига имтиёзли шартлар билан ўқишга киришлари мумкин. Билим юртини тамомлаган ўқувчилар В. П. Чаюлов номидagi Тошкент аэро-этика ишлаб чиқариш бирлашмасига ишга юборилади.

Билим юртига ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар талаб қилинади: туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти ҳақидаги ҳужжат, яшаш жойидан, ота-онанинг ишонасидан справкалар, медицина справкasi, мактабдан характеристика, 6 дона фотосурат (3x4 ва 4x5 см ҳажмида).

Билим юрти адреси: 701128, Тошкент шаҳри, Октябрь району, Усмои Юсупов кўчаси, Авиационний преед. 10-уй (10, 27, 23-трамвайлар; 1, 4, 10, 14-троллейбуслар; 44, 48, 97-автобусларнинг «Ленинград» меҳмонхонаси) бекати. Телефон: 41-75-54.

16-ЎРТА ҚУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

БИЛИМ ЮРТИ ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЛИК КОМБИНАТИ УЧУН ТАРОҚЛОВЧИ, ХОМ ИП ТАЙЕРЛОВЧИ, ЙИГУРВЧИ, КАЛАВАЛОВЧИ, ТЎҚУВЧИ КАСБЛАРИГА МАЛАКАЛИ ИШЧИЛАР ТАЙЕРЛАБ БERAДИ.

Ўқиш муддати 8-синфин битирганлар учун — 3 йил, 10-синфин битирганлар учун 6 ойдан 1 йилгача. 3 йил таълим оладиган ўқувчиларга ўқиш даврида 3 маҳал овқат, кийим-бош берилади. Билим юртини тамомлаган, улар ўрта маълумот ҳақидаги диплом оладилар ва уларга ағаллаган малакаси юзасидан разряд берилади. Ишлаб чиқариш практикаси даврида иш ҳақининг 50 процентини билан таъминланадилар.

6 ой ва бир йил муддат билан таълим оладиган ўқувчиларга ойига 70 сўм стипендия, шунингдек ишлаб чиқариш практикаси даврида иш ҳақининг 50 проценти тўланади. Бошқа шахарлардан келганлар ётоқхона билан таъминланади.

Ўқиш даври узлуksиз меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади. Билим юртини имтиёзли диплом билан тамомлаган ўқувчилар олий ўқув юртиларини кечки ва сиртки бўлимларига ва техникумларга ўқишга киришга алоҳида имтиёзларни фойдаланадилар. Комбинат қопида политехникум филиали маъқуд. Ўқувчиларнинг бун вақтларини мазмуни ўтказишлари учун билим юртида тўқини, бичиш ва тийиш тўғараклари, драма тўғарак, спорт секциялари ишлаб турибди. Шунингдек улар учун Тўқимачилар маданият саройининг эшикларини очиб, «Текстильчи» спорт комплекси уларнинг ихтиёрида, комбинат қопида профилакторий, Тошкент денгизда дам олиш зонаси бор.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатларни топшириш талаб қилинади: директор номига ариза, туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти ҳақидаги ҳужжат, таржиман ҳол, яшаш жойидан справка, 6 дона фотосурат (3x4 см. ҳажмида), характеристика.

Аризалар ҳар кун, якшанбадан ташқари соат 9 дан 17.00 гача қабул қилинади. БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент шаҳри, 100-алока бўлими, Фрунзе району, Абдулла Қаҳҳор кўчаси, 34-уй (2, 3, 80, 97-автобуслар; 25, 32 маршрутли таксиларнинг СИТУ) бекати. Телефон: 55-44-85.

26-ЎРТА ҚУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

8-10 синфларни тамомлаган ўқувчиларни қуйидаги касбларни ағаллаш учун — заргарлик касбига. Ўқиш муддати — 1,5-3 йил; — чинни буюмларга гул соловчи расом, чинни буюмларни қопловчи, чинни буюмларни аytувчи, санъат асбоб-ускуналари бўйича слесарь касбларига. Ўқиш муддати — 1-3 йил.

Ўқишга Тошкент шаҳрида яшовчи йигит ва қизлар қабул қилинади. 8-синф маълумотига эга бўлган ўқувчилар учун таълим муддати — 3 йил. Ўқишга қабул қилинганлар 3 маҳал овқат, кундалик уст-бош ва коржма билан таъминланадилар.

10-синф маълумотига эга бўлган ўқувчилар учун таълим муддати — заргарларга 1,5 йил, бошқа касбдагиларга — 1 йил. Уларга ойига 30 сўм стипендия тўланади. Ўқишга қабул қилинган барча ўқувчиларга ишлаб чиқариш практикаси даврида иш ҳақининг 50 проценти тўланади. Билим юртини тамомлаганларга тўлиқ ўрта маълумот ва касб ағаллаганлиги ҳақида диплом берилади. Билим юртини ағла баҳолашга тамомлаган ўқувчилар олий ўқув юртига ва техникумларга имтиёзли шартлар билан қабул қилинадилар.

Билим юртидаги таълим даври доимий меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади. Билим юртига кириш имтиҳонларсиз қабул қилинади.

Ўқиш ўЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ. Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатларни топшириш доим: директор номига ариза, туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти ҳақидаги ҳужжат, ота-онанинг иш жойидан ва яшаш жойидан справкалар, медицина справкasi (286-форма), характеристика, 6 дона фотосурат (3x4 см ҳажмида), таржиман ҳол.

МАШҒУЛОТЛАР 1 СЕНТЯБРАН ВОШЛАНАДИ. Билим юрти адреси: 700002, Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов району, Сағбон кўчаси, 17-тупиқ, 4-уй. (100, 59, 76, 166-автобусларнинг «Кўнгут» бекати). Телефонлар: 44-30-07, 44-15-86.

Редактор ўринбосари С. Б. ЁҚУБОВ.

Тeatр УЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 16/VIII де «Парвона» (Бош ролни Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган артист Обид Юнусов ижро этди. 19.00).

Цирк ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Янги программа — «ИНТЕРЦИРК-88» ГАСТРОЛЛАРИ (16, 17, 18/VIII де 19.30).

Кино 15 АВГУСТДА БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР: Чайка — «АЛВИДО, ЗАМОСКВОРЕЦ БЕЗОРИСИ...» (18.30, 21.00).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «МЕНИНГ ҚАЛБИМ» (16, 18.30, 21.00).

Восток — «ҚОРА КАЛХАТ» (жуфт соатларда ва 21.30 де).

Фестиваль — «МЕНИНГ ГҶЗАЛ МАЛИКАМ» (22.00).

Хива — «БАХТ УЧУН УЧ КИШИ КИФОЯ» (22.00).

Лисунов номли — «НОФЕЛЕТ ҚАЕРДА ЖОЙЛАШГАН?» (тоқ соатларда).

ВЛКСМ 30 йиллиги — «НОФЕЛЕТ ҚАЕРДА ЖОЙЛАШГАН?» (жуфт соатларда).

Москва — «ЛУЛИ ҚИЗ АЗА» (19, 20.40); «СИНБАДНИНГ ЕТТИНЧИ САЕХАТИ» (17.00).

Ватан — «ЛУЛИ ҚИЗ АЗА» (19, 20.45); «САВБИ САРОИ» — «СЕВГИ КУЧИ» (17, 20.00); «ЛУЛИ ҚИЗ АЗА» (17, 19.30).

16, 17 АВГУСТДА БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР: Чайка — «АЛВИДО» ЗАМОСКВОРЕЦ БЕЗОРИСИ...» (18.30, 21.00).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «МЕНИНГ ҚАЛБИМ» (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00).

Восток — «ҚОРА КАЛХАТ» (жуфт соатларда ва 21.30 де).

Фестиваль — «МЕНИНГ ГҶЗАЛ МАЛИКАМ» (22.00).

Хива — «БАХТ УЧУН УЧ КИШИ КИФОЯ» (22.00).

Лисунов номли — «НОФЕЛЕТ ҚАЕРДА ЖОЙЛАШГАН?» (тоқ соатларда).

ВЛКСМ 30 йиллиги — «НОФЕЛЕТ ҚАЕРДА ЖОЙЛАШГАН?» (жуфт соатларда).

Москва — «ЛУЛИ ҚИЗ АЗА» (11, 15, 19, 20.40); «СИНБАДНИНГ ЕТТИНЧИ САЕХАТИ» (13, 17.00).

Ватан — «ЛУЛИ ҚИЗ АЗА» (13, 17, 19, 20.45); «АМИША БИРДАЙ БУЛАВЕРМАЙДИ» (11, 15.00).

Савби сарои — «СЕВГИ КУЧИ» (11, 14, 17, 20.00); «ЛУЛИ ҚИЗ АЗА» (12, 14.30, 17, 19.30).

«КВАНТ» КООПЕРАТИВИ РК-86 типидagi хусусий компанияларни тайёрлаш, уларни телевизорларга улаш, хотирлаш доирасини кенгайтириш, ўйин ва амалий программаларни сотиш, шунингдек исталган электрон куррилларни ишлаб чиқиш ва тайёрлаш юзасидан БУЮРТМАЛАР КАБУЛ ҚИЛИАДИ.

БУЮРТМАЛАР КООПЕРАТИВИНИНГ ЕКИ БУЮРТМАЧИНИНГ ҶЗ МАТЕРИАЛЛАРИДАН ТАЙЕРЛАБ БЕРИЛАДИ.

Справкalar юзасидан 97-24-85 телефонни орқали ҳар кун икшанбадан ташқари соат 17 дан 20.00 гача кўнгироқ қилинсин.

ОТА-ОНАЛАР ВА МАКТАБАГА БОЛАЛАР МУАССАЛАРИНИНГ РАХБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА! Спортнинг қишки ва ёғиз турлари бўйича Олимпия резерви гуруҳлари тайёрловчи РЕСПУБЛИКА ҶУВУ-МАШҚ БИРЛАШМАСИ бевосита болалар муассасалари (болалар боғчалари, ихтисослаштирилган мактаблар ва ҳоказонининг ўзда физкультура-соғломлаштириш гуруҳларида) пулли машғулотлар уюштириш ва ўтказиш юзасидан ХИЗМАТ КўРСАТАДИ. Машғулотлар ҳафтада уч марта тажрибали инструктор-методистлар томонидан ўтказилади. Справкalar юзасидан қуйидаги телефонлари орқали мурожаат қилинсин: 46-07-53 46-04-21, 46-70-29, 46-02-50.